

Болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланма олиш т а р т и б и

Ота-оналар фарзандлари учун болалар соғломлаштириш оромгоҳларига имтиёзли йўлланмаларни ўзлари ишлаб турган корхона, ташкилот ёки муассаса бошланғич касаба уюшма қўмитаси орқали ўрнатилган тартибда олиш имконига эгалар.

Йўлланма олиш учун ходим касаба уюшма қўмитаси номига қўйида келтирилган намунада кўрсатилган шаклдаги ариза билан мурожаат этади (илова қилинади).

Оромгоҳга йўлланма олиш учун ариза ходим томонидан соғломлаштириш мавсуми бошланишидан бир ой олдин берилади.

Аризага ходимнинг паспорт нусхаси ҳамда фарзандининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси илова қилинади.

Оромгоҳга 7 ёшдан 14 ёшгacha бўлган болалар ҳудудий поликлиника томонидан берилган тиббий маълумотнома (079/x шакл) билан қабул қилинади.

Ишламайдиган фуқаролар фарзандларини дам олдириш учун оромгаҳларга йўлланмаларни оромгоҳни балансда сақловчи хўжалик органининг касаба уюшма қўмитасидан ёки оромгоҳдан йўлланма қийматининг 100 фоиз тўлови билан ҳарид қилишлари мумкин.

Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари дислокацияси ҳамда йўлланмаларнинг нархлари тўғрисидаги маълумотларни Ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаларидан олиш мумкин.